

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ**

**“МЕНЕЖМЕНТ” КАФЕДРАСИ**



**5230200 “МЕНЕЖМЕНТ” ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИДА ТАҲСИЛ**  
**ОЛАЁТГАН ТАЛАБАЛАР УЧУН “ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТ”**  
**ФАНИДАН КУРС ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА**  
**УСЛУБИЙ КЎРСАТМА**

**НАМАНГАН – 2016 йил**

Ушбу услубий кўрсатма “Менежмент” таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган бўлиб, унда талабалар томонидан VII-семестрда “Инновацион менежмент” фанидан курс ишини бажариш бўйича кўрсатмалар берилган.

Услубий кўрсатмада курс ишининг бажариш ва ҳимоя қилиш услуби, курс иши мавзусини танлаш, мавзунини ёритиш жараёнида адабиётлар билан ишлаш, корхоналардан маълумотларни тўплаш ва улар билан ишлаш, курс ишининг таркиби, ҳажми ва уни тартибга келтириш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тузувчилар

и.ф.н., доц. Р. Исмаев

асс. А.Адашев

асс.О.Аҳмедов

Тақризчилар

и.ф.н. И.Сирожиддинов. НамМПИ Касб таълими  
(Иқтисодиёт) кафедраси доценти

и.ф.н.А.Юлдашев. НамМПИ Касб таълими  
(Иқтисодиёт) кафедраси доценти

Услубий кўрсатма “Менежмент” кафедрасининг 2016 йил 28 август умумий йиғилишида муҳокама қилинган ва маъқулланган Байённома № 1

Кафедра мудири

доц.Т.Дадабоев

Институт услубий кенгашининг 2016 йил \_\_ январдаги йиғилишида муҳокама қилиниб, чоп этишга тавсия қилинган. Руйхат рақами №. \_\_

## **«ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТ» ФАНИ БЎЙИЧА КУРС ИШНИ ЁЗИШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ УСЛУБИ**

Ўзбекистонда илғор технологиялар билан жиҳозланган ва мавжуд хом ашё ресурсларимизни чуқур қайта ишлашни, экспорт салоҳиятини кўпайтиришни таъминловчи, янги иш жойларини ташкил қилувчи янги, юқори технологиялар билан жиҳозланган ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этишга қаратилган инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга устиворлик берилмоқда.

Ўзбекистон дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига қўшилиш, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни, мамлакатни модернизация қилишни давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва шу асосда ўз фуқаролари учун муносиб турмуш шароитини яратишни ўзининг истиқболдаги муҳим вазифалари деб билади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг янги босқичи. Инновацион менежмент бўйича илмий жамоалар, тадқиқотлар ва ишламаларни бошқариш усулига эга ва янгилик киритишлар бозорида ишлашга қодир мутахассисларни тайёрлашни тақозо қилади.

Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш хал қилувчи устувор йўналишига айланди.”<sup>1</sup>

Ана шу масалалар бўйича ҳақиқий аҳволни атрофлича ўрганишимиз, ҳозирги вақтда мутахассислар тайёрланаётган ҳар қайси ихтисослик йўналиши реал ҳаёт талабларига қай даражада жавоб бериши, унга нафақат бугунги, балки яқин истиқболда қандай эҳтиёж борлигини ҳар томонлама чуқур аниқлашимиз лозим.

Кейинги 10 йилликда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва савдо корхоналари фаолият олиб борадиган муҳит тубдан ўзгарди. Айрим раҳбарларга иқтисодий билимнинг, рақобат кураши шароитида ишлаш тажрибасининг етишмаслиги корхоналарни танг иқтисодий аҳволга солиб кўймоқда. Шунинг учун бўлажак менежерларга “Инновацион менежмент” фанини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Юқори малакали мутахассислар тайёрлашда, уларда иқтисодий тафаккурни, мустақил фикрлашни, ижодий ишлаш қобилиятини шаклланишида ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари, миллий хўжалик тармоқлари, иқтисодий районлар ва мамлакатлар иқтисодиёти, уларни ривожлантириш, стратегик бошқариш тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2010 йил 22 сентябрь, 1-2-б.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз-Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.:Ўзбекистон.2010-62 бет.

баён этишда талабалар томонидан бажариладиган курс ишлари катта аҳамиятга эга.

Чунки, талабалар курс ишини бажариш жараёнида Инновацион менежментнинг қонун ва қонуниятлари, ўзгарувчан ва мослашувчан бозор хўжалиги, саноат, қурилиш, транспорт ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритаётган корхоналар фаолияти ва уларни стратегиялари билан танишадилар. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида ривожланган мамакатлардаги йирик корхона ва фирмаларнинг фаолият натижаларини шу жумладан Ўзбекистон Республикасини ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожланишида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг ўрни тўғрисида, давлатимизни табиий ижтимоий-иқтисодий имкониятлардан фойдаланиш, илмий-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш натижасида ишлаб чиқаришдаги тармоқ ва худудий ўзгаришларни ўрганадилар, бир-бири билан таққослайдилар ва хулоса чиқарадилар. Натижада, талабанинг маълум бир ишлаб чиқариш соҳасида, тармоқларда, иқтисодий районларда ишлаб чиқариш кучларини ривожланиши ва корхоналарни бошқарув стратегияларини таққослаш ва оқилона йўналишлари тўғрисидаги мулоҳазалари кенгайди. Бу эса кейинчалик талабаларнинг битирув малака ишини бажариш жараёнида ҳамда амалий фаолиятида муҳим ўрин тутади.

Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатмоқдаки, курс ишини ёзиш жараёнида талабалар аввало, мамлакатимизда ҳамда ривожланган давлатлар фирмалари, компаниялари ва корхоналарида стратегик режалаштириш, стратегик бошқариш, маркетинг стратегияси каби йўналишлар бўйича менежерларнинг амалий фаолиятлари ва бу соҳаларда изланишлар олиб борган иқтисодчи олимлар томонидан яратилган кўплаб назарий характерга эга бўлган асарлардан фойдаланадилар. Ана шу асарлар билан танишиб чиқиш, керак бўлган жойларда эса уларни танқидий ўрганиш, ғарбда чиққан адабиётлар билан таққослаш сўнгра хулосалар чиқариш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бу талаба учун иқтисодиёт билан боғлиқ билимлар мажмуасини пухта эгаллашнинг дастлабки шартидир.

Талабалар ўзлари танлаган мавзулари бўйича курс ишларини бажариш жараёнида кафедрадан дастлабки иқтисодий статистик маълумотларни йиғиш, уларни тартибга солиш, фаолият юритаётган корхоналар иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш, махсус адабиётлардан, архив, журнал ва газета материалларидан қандай фойдаланиш юзасидан аниқ маслаҳатлар оладилар.

Курс иши охирида фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилади. Адабиётлар алфавит кўрсаткичи бўйича қуйидаги тартибда: муаллифнинг фамилияси ва исми, китоб ёки мақола номи, журнал номи, чиққан йили ва сони, чиққан жойи ва йили кўрсатилади. Курс ишининг энг асосий талаби

тўла мустақиллик бўлиб, талабанинг мулоҳазаси, қобилияти ижодий тафаккурини аниқлашдан иборат. Шунинг учун курс ишида туғридан-туғри дарслик, ўқув қўлланмаларидан кўчириб қўйиш асло ярамайди. Бундай ҳолат учраган тақдирда курс иши химояга қўйилмайди.

Курс ишида фойдаланилган маълумотлар ва адабиётлардан олинган материалларга ҳаволалар аниқ кўрсатилиши лозим.

Курс ишига илова тарзида Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг иқтисодий кўрсаткичларини диаграмма, жадваллар, фото-суратлар илова қилинадики, бу курс ишини мазмун жихатидан бойитибгина қолмасдан, балки талабаларнинг курс ишини бажаришга мустақил ёндашувини ва билимини мустаҳкамлаш намунаси бўлиб хизмат қилади.

## **1. КУРС ИШИНING МАҚСАДИ, ВАЗИФАСИ ВА БАЖАРИШ ТАРТИБИ**

“Инновацион менежмент” фани бўйича бажариладиган курс иши ва уни химоя қилиш ўқув жараёнининг зарур қисми ҳисобланади.

Курс ишининг мақсади – талаба томонидан назарий билимлар тўла ўзлаштирилгандан сўнг, унинг ушбу фан бўйича мустақил ишлаш қобилияти, илмий изланиш ишларига йўналтириш, табиат ва жамият ўртасидаги алоқадорлик масалалари бўйича ташаббусини ривожлантиришдир.

Курс ишининг вазифаси – “Инновацион менежмент” фанидан талабалар билимини янада чуқурлаштириш, корхона, компания ва фирмаларни бошқаришда инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, турли иқтисодий тизимларда маркетинг тадқиқотларини олиб бориш ҳамда инновацион ғоялар билан юқори самарадорликка эришиш йўлларини излаб топишдан иборатдир.

Курс иши бажариб бўлингандан сўнг, унинг биринчи варианты кафедрага топширилади ва уни илмий раҳбар томонидан текшириб, кўриб чиқилгандан сўнг унга тегишли тузатишлар киритилади.

Тегишли ўзгартиришлар ва тузатишлардан сўнг курс иши муқоваланади (1-илова) ва кафедрага химоядан 20 кун олдин топширилади.

## **2. КУРС ИШИ МАВЗУСИНИ ТАНЛАШ**

Талабалар курс иш мавзусини танлашда кафедра томонидан ишлаб чиқилган курс ишлари мавзулари банкдан ўзлари қизиқадиган мавзунини танлашади ва уни кафедрада рўйхатдан ўтказишади. Кафедра розилиги билан талабалар томонидан танланган мавзу ўзгариши ҳам мумкин, хатто курс

ишлари мавзулари банкида кўрсатилмаган бошқа бир мавзуни танлашлари, уни кенгайтирилган ёки қисқартирилган тахрирда ўзгартиришлари мумкин.

Талабалар томонидан танланган курс иши мавзуси ўзлари яшаётган худудларда, Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган тармоқлар, корхоналар, акционерлик жамиятлари, хорижий корхоналар ёки масъулияти чекланган жамиятлар мисолида, уларнинг иқтисодий кўрсаткичлари, стратегик режаларини тахлилларига асосланиб бажарилади.

Талабалар томонидан курс иши мавзусини кейинчалик ёзиладиган Битирув малака иши мавзусига мослаб танланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### **3. Фойдаланилган адабиётлар билан ишлаш**

Курс ишини юқори даражада сифатли бажариш кўп жихатдан республикамизда ва хорижий мамлакатларда чоп этилган адабиётларни танлаш ҳамда уларни чуқур ўрганишга боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётларни танлаш ва ўрганиш танланган мавзу бўйича бўлиши лозим. Бу жараён талаба томонидан ижодий ёндашган ҳолда мустақил равишда амалга оширилади. Адабиётларни танлаш ва ўрганишни курс иши мавзусини танланган кундан бошламоқ зарур. Бунда Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган иқтисодий ислохотлар, таркибий ўзгартиришлар, иқтисодиётни модернизациялаш бўйича қобул қилинган Қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, ҳукумат йўриқномалари, таниқли иқтисодчи олимлар томонидан чоп этилган илмий асарларга чуқур эътибор бериш лозим.

Талаба ҳар бир тўплаган адабиётни ўз мавзусига тегишли қисмини қайта-қайта ўқиб, улардан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон республикаси ва Наманган вилояти статистик маълумотларини, корхоналарни иқтисодий кўрсаткичларини тахлил қилиб, уларни ижобий ва салбий томонларини курс ишида акс эттириши лозим.

### **4. Корхоналардан маълумотларни тўплаш ва улар билан ишлаш бўйича тавсиялар**

Курс ишини бажаришни ўта муҳим ва масъулиятли томонидан бири танланган мавзу бўйича ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг маълумотларини тўплаш ва улар устида ишлашдир. Маълумотларни тўғри танлаб, уларни тўла тўплаш ва тахлил этиш курс ишини сифатли бажарилишига олиб келади.

Агар курс ишида кўрсаткичларни солиштириш зарурияти туғилса, талаба курс иши раҳбари билан келишган ҳолда бошқа корхоналарнинг материалларини ҳам олиши мумкин.

Корхона маълумотларини ўрганиш бўйича материалларни тўплаш (топшириқ ва ҳисобот ҳужжатлари, стратегик режалар, корхона бизнес режаси, уни ривожлантириш дастурлари, жалб қилинган инновацион технологиялар фаолияти ва уни фойдалилиги, амалга оширилиши лозим бўлган инновацион лойиҳалар таҳлиллари ва х.к) билан бир қаторда талаба улар асосида қўшимча ҳисоб-китоблар қилади ва таҳлиллар ўтказади. Бу ўз навбатида камчилликларни аниқлаш, муаммоларни ечимини топиш ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналаридан олинган барча ҳужжатлар, далолатномалар шу корхона маълумотлари билан тўлдирилган бўлиши шарт. Хар бир ҳужжатни тўлдиришда ушбу ҳужжатнинг моҳияти ва зарурлигини тўла тушуниб етмоқ, унинг ишончлилигига иқроп бўлмоқ зарур.

## 5. КУРС ИШИНING ТУЗИЛИШИ, МАЗМУНИ ВА ТАРКИБИ

Курс ишини бажаришда мавзу бўйича кўриладиган масалаларнинг тасдиқланган режага мос келиши ва қўйилган масалани тўла ёритишга алоҳида эътибор бермоқ керак. Курс ишининг мазмунини тўла очиб бериш учун у қатор бўлим ва боблардан иборат бўлиши керак.

Курс ишининг тузилиши (структураси) нинг оптимал кўриниши қўйидагича бўлиши мумкин: кириш, учта боб, бўлимлар, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва иловалар.

**Кириш қисмида** - курс иши мавзусини танлашнинг асосланиши, унинг долзарблиги тавсифи ва моҳияти, вазифалари шу билан бирга камчилликларни ҳал этишга ҳаракат қилиниши баён қилинади.

**Биринчи боб** – курс иши мавзусини назарий ва иқтисодий тавсифи, уни иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш ва бошқариш самарадорлигини оширишдаги роли, ўрни, моҳияти, хусусиятлари, зарурлиги ва вазифаларига кенг тўхталиб ўтилади.

Бу бобда тегишли иқтисодий қонунларнинг моҳияти ва уларни ишлаб чиқариш корхоналарига қўйган талаблари очиб берилади. Шу мақсадда мавзуга тегишли дарсликлар, ўқув қўлланмалар, илмий монографиялар, рисоалар ва мақолалардан кенг фойдаланиш зарур.

Ушбу назарий асослашлар кейинги бўлимларда баён қилинадиган амалий ҳолат, муаммо ва камчилликлар билан боғланиши ва у бўлимга асос бўдиши керак.

**Иккинчи боб** – танланган мавзу бўйича курс иши ёзиладиган корхонанинг молиявий хўжалик ҳолати, бажараётган хўжалик ишлари, ютуқлари, камчиликлари ва муаммоларини батафсил ёритилади. Шу билан бирга курс ишида зарур бўлса, бошқа тармоқ ёки хорижий давлатлар фирмалари билан солиштирма таҳлил ишлари амалга оширилиши мумкин. Таҳлил натижасида ички имкониятларни очиш ва унга ижобий ҳамда салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш зарур.

**Учинчи боб** – танланган мавзу бўйича иккинчи бобда аниқланган камчилик ва муаммоларни ҳал этиш йўллари баён этилади.

Бу борада талаба томонидан ўрганилган илмий ва амалий фикрлар ёки уни тақлиф этган тавсиялари акс эттирилади.

Тақлиф этилган тавсияларни тегишли корхонада қўллаш натижасида қандай иқтисодий ёки ижтимоий самара олиниши ҳисоб-китоб қилиш йўли билан ёритилади. Чунки тақлиф этилган тавсия ёки такомиллаштириш йўллари, албатта, иқтисодий, ижтимоий самара бериши ёки корхонани бошқариш тизимини соддалаштириши ва ривожлантириши лозим.

**Хулоса қисмида** - бажарилган курс иши натижасида олинган хулосалар, киритилган тавсия ва такомиллаштириш йўллари қисқача кўринишда баён қилинади. Хулоса қисмида талаба томонидан бажарилган курс иши, унинг натижалари, тавсия ва тақлифларини ишлаб чиқариш корхоналарига қай даражада қўллаш мумкинлиги ва унинг натижасида қандай ижобий иқтисодий кўрсаткичлар олиниши баён қилинади.

**Фойдаланилган адабиётлар** – бу бўлимда курс ишини бажариш жараёнида фойдаланилган адабиётлар руйхати келтирилади. Бу икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, иккинчи қисмда эса иқтисодий китоблар, рисола ва мақолалар алфавит тартибида келтирилади.

**Иловалар** – бу бўлимда курс ишига тикиладиган ҳужжатлар, маълумотномалар ва жадваллар, рақамланган тартиб сони кўрсатилган ҳолда келтирилади.

## **6. КУРС ИШИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ**

Курс ишининг тушунтирув қисми 35-40 варақдан иборат бўлиб, қўлёзма тарзида бажарилиши шарт. Курс ишига тегишли графиклар, диаграммалар, жадваллар амалдаги талабларга мос келиши керак.

**Матни ёзиш тартиби** – курс ишининг матни аниқ, тушунарли ва юқори саводхонлик даражасида орфографик ва стилистик хатоларсиз



ёзилади. Курс ишини содда, аниқ ва тушунарли қилиб ёзилиши унинг юқори даражада бажарилиши белгиларидан бири ҳисобланади.

**Матнни жойлаштириш тартиби** – курс ишини матнни стандарт оқ қоғозни бир томонига ёзилади. Бунда ушбу қоғозни чап томонидан 3см, ўнг томонидан 1,5см, тепа қисмидан 1,5см ва пастки қисмидан 2см жой ташланади.

Ҳисоблаш формулалари тушунарли ва аниқ қилиб қўлда ёзилади. Жадваллар, расмлар, схема, график ва чизмалар ҳам оқ қоғозга юқоридаги талабларга амал қилган ҳолда курс ишини тушунтирув қисмида келтирилади ва номерланади.

Курс ишида сўзлар ва терминларни қиқартирилишига йўл қўйилмайди. Бошқа муаллифлар ва йўриқномалардан келтирилган фикрлар, гапларни кўштирноқ ичига олиниб, адабиётнинг ёки манбаанинг муаллифи, адабиётни ёки мақоланинг номи, чоп этилган шахри, нашриёти, йили ва бети мазкур саҳифанинг пастки қисмида кўрсатиб қўйилиши зарур. Корхона маълумотларини акс эттирувчи ҳужжат ва маълумотлар курс ишининг иловалар қисмига ўтказилади, матнда эса қайси иловага қараш кераклиги кўрсатиб ўтилади.

**Варақларни рақамлаш** – курс ишининг варақлари, жадвал ва графиклар, схема ва иловаларнинг барчаси охириги варақча рақамланиб чиқилади. Биринчи титул қисми бўлиб, унга “1” рақами қўйилмайди, иккинчи варақ мундарижа бўлиб, унга “2” рақами қўйилади ва х.к. Рақам ҳар бир варақнинг пастки қисмининг ўртасига қўйилади.

Талаба курс ишининг муаллифи сифатида унда келтирилган маълумотлар ва кўчирилган гапларнинг тўғрилигига тўла жавоб беради. Курс иши кафедрага топширилгандан сўнг унга ўзгартиришлар киритиш ва тўғрилашга руҳсат берилмайди.

Курс ишини бажаришга қўйилган талабларга жавоб бермайдиган курс иши ҳимояга қўйилмайди.

**Материалларни жойлаштириш** – курс ишининг материалларини қўйидаги тартибда жойлаштириш мақсадга мувофиқ:

1. Титул варағи
2. Мундарижа
3. Боб, бўлимлар
4. Фойдаланилган адабиётлар
5. Иловалар

Талабалар томонидан бажарилган курс иши талаб даражасида бўлмаса қайта ишлашга қайтарилади ва ҳимояга қўйилмайди.

Талаб даражасида бажарилган курс иши ҳимояга рухсат этилган ҳисобланади ва талабага тақризчининг кўрсатган камчилликлари билан танишиб чиқиши учун ҳимоядан камида 3 кун олдин қайтариб берилади.

Курс ишининг ҳимояси кафедра томонидан тузилган комиссия иштирокида амалга оширилади. Ҳимоя учун талабага 10-12 минут вақт берилади. Курс ишлари кафедра йиғилиши ва факультет кенгаши қарори билан битирув малакавий иш сифатида давом эттирилиши ҳам мумкин.

## **7. КУРС ИШИ МАВЗУЛАРИ РУЙХАТИ**

1. Мамлакатни модернизация қилишда инновацион сиёсат йўналишлари
2. Инновацион иқтисодиётда кадрлар тайёрлаш
3. Инновацион менежментнинг мақсадлари ва вазифалари.
4. Инновацион менежмент усуллари.
5. Юқори технологияларни жорий этишни рағбатлантириш
6. Инновацион менежментнинг методологияси.
7. Инновацион фаолиятни ташкил қилиш.
8. Илм фаннинг жамият тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти
9. Янгиликлар ва инновациялар портфелини шаклланиши.
10. Корхоналарда янгиликларни ишлаб чиқиш.
11. Корхоналарда янгиликларни татбиқ этиш ва бошқариш
12. Корхонада ходимларни инновацион бошқариш.
13. Корхоналарда янгилик ишлаб чиқаришнинг ташкилий асослари
14. Инновацион маркетингнинг аҳамияти
15. Инновацион фаолиятни молиялаштириш йўллари.
16. Корхоналарда инновацион фаолиятни бошқариш ва модернизациялаш жараёнлари.
17. Инновацион самарадорликни баҳолаш.
18. Инновацияларнинг хўжалик фаолияти самарадорлиги таъсирининг таҳлили.
19. Ўзбекистон саноат тармоғида инновация стратегиясини қўллаш ва уни амалга ошириш йўллари.
20. Инновация ишлари дастурини шакллантириш ва инновацион лойиҳаларга талаблар.
21. Инновацион менежментнинг моҳияти.
22. Инновацион менежментнинг стратегик ва оператив босқичлари
23. Қўшма корхоналарда инновацияларни ташкил этиш.
24. Замонавий жаҳон иқтисодиётида инновацион менежментнинг роли.
25. Хорижий мамлакатларидаги корхона ва ташкилотларда инновацион менежментни ташкил этиш ва ривожлантириш
26. Янгиликларнинг сифат кўрсаткичлари.
27. Янгиликларни яратиш ва татбиқ этишни бошқариш.
28. Инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари.

29. Инновацион менежментга илмий ёндашишлар.
30. Инновацион ташкилотларда ходимларни бошқариш хусусиятлари.
31. Инновацион менежердан талаб этиладиган сифатлар.
32. Илмий-техник инқилоб ва инновациялар тўлқини.
33. Инновацион жараёнларни ташкил этиш.
34. Инновацион стратегия устиворликлари.
35. Инновацион менежментнинг тарихи ва ривожланиш тенденциялари.
36. Инновацион менежментда қарорлар қабул қилиниши
37. Инновацион менежментда коммуникациялар жараёни.
38. Компаниянинг ҳар томонлама ривожланиши стратегияси.
39. Корхонанинг инновацион стратегиясини шакллантириш.
40. Инновацион ташкилотнинг патент-лицензияли фаолияти.
41. Инновацион лойиҳалаштиришнинг асослари.
42. Инновацион лойиҳаларнинг экспертизаси.
43. Технологияларнинг ривожланиш тенденциялари ва уларнинг таснифи.
44. Корхоналардаги ИТТКИни бошқариш.
45. Қўшма корхоналарда инновацияларни бошқариш.
46. Инновацияларни молиялаштиришнинг манбалари ва шакллари.
47. Инновацион фаолиятда инвестицион лойиҳаларни амалга оширишнинг тамойиллари.
48. Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солинишининг асослари

## **8. АМАЛИЙ ТОПШИРИҚЛАР**

I. Ўзбекистон Республикаси ва Наманган вилояти иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш.

II. Наманган вилоятида инновацион лойиҳалар асосида фаолият юритаётган корхоналарнинг бошқарув стратегиялари ва умумий фаолияти билан танишиб чиқиш ва таҳлил қилиш.

III. Вилоятдаги иқтисодий ночор корхоналарни фаолиятини ўрганиш ва улар иқтисодиётини ривожлантириш учун намунавий инновацион лойиҳалар ва стратегияларни ишлаб чиқиш.

## 9. КУРС ИШИНИ БАЖАРИШ ЖАРАЁНИДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АСОСИЙ ВА ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### Асосий адабиётлар

1. Borut Likar, co-editors Peter Fatur, Urshka Mrgole ; translation Arslingue K.Jontar, TEFL, TBE. - 1st. ed. - El. knjiga. - Ljubljana INNOVATION management [Elektronski vir] Korona plus - Institute for Innovation and Technology, 2013

2. Гончаренко Л.П., Олейников Е.А., Березин В.В. “Инновационный менеджмент” учебное пособие/М.: КНОРУС, 2005, - 544 с.

3. Зинов В.Г. «Менеджмент инноваций: кадровое обеспечение» Учебник - М.: Дело 2005 – 496 с.

4. Мухамедяров А.М. “Инновационный менеджмент” учебное пособие – М.: Инфра – М, 2006. - 127 с.

5. Оголева Л.Н. Инновационный менеджмент: Учебное пособие / Под ред. д.е.н., проф. Л.Н. Оголевой. - М.: ИНФРА-М, 2006, - 238 с.

6. Фатхудинов Р.А. «Инновационный менеджмент» Учебник. 5-е. изд.- Спб. Питер, 2005.-448 с.

7. Ёўлдошев Н.Қ. ва бошқалар. «Инновацион менеджмент». Дарслик. ТДИУ. 2011 й. - 312 б

8. Эндрю Харгадон «Управление инновациями. Опыт ведущих компаний» Учебник -М.: ООО «И.Д.Виляма». 2007 – 304 с

### Қўшимча адабиётлар

1. Ислом Каримов “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб борилаётган ислохотларни, иқтисодий таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олинга юришдир”, “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 16 январ, № 11 (6446).

2. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. - Т.: Ўзбекистон. 2013. - 36 б.

3. Каримов И.А. Тинчлик ва осойишталик – барча ютуқ ва марраларимизнинг асосидир. Халқ сўзи. 2013 й. 09 май № 91 (5765)

4. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга қўтарадиган йил бўлади. - Т.: Ўзбекистон, 2012. - 36 б.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз

тараққийетини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. 2012. – 282 б.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. - Т.: Иқтисодиёт. 2010. – 281 б.

### **Интернет сайтлари**

1. [www.economics.ru](http://www.economics.ru)
2. [www.ved.ru](http://www.ved.ru)
3. [www.ser.uz](http://www.ser.uz)
4. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
4. [www.ifmr.uz](http://www.ifmr.uz)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК – ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**“ТЕХНОЛОГИЯ” ФАКУЛЬТЕТИ**

**“МЕНЕЖМЕНТ” КАФЕДРАСИ**

**“ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТ” ФАНИДАН ТАЙЁРЛАГАН**

**КУРС ИШИ**

Тайёрлади: \_\_\_\_\_ гуруҳ талабаси \_\_\_\_\_

Рахбар: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ факультети  
\_\_\_\_\_ таълим йўналиши  
\_\_\_\_\_ курс \_\_\_\_\_ гуруҳ талабаси \_\_\_\_\_ нинг

\_\_\_\_\_ мавзусида бажарган курс ишига берилган

### **ТАҚРИЗ**

Курс иши режаси: \_\_\_\_\_

---

---

---

---

---

---

---

---

Курс иши мазмуни:

---

---

---

---

---

---

---

---

График маълумот:

---

---

---

---

---

---

---

---

Курс ишининг камчиликлари:

---

---

---

---

---

Хулоса

---

---

---

---

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

Тақризчи:

\_\_\_\_\_

(тақризчининг лавозими, исми ва фамилияси)

\_\_\_\_\_ (имзо)



КУРС ИШИГА БЕРИЛГАН ВАЗИФА

Мавзу: \_\_\_\_\_

---

---

---

---

---

---

Асосий кўрсатмалар: \_\_\_\_\_

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

Иш режаси: \_\_\_\_\_

1. \_\_\_\_\_

---

2. \_\_\_\_\_

---

3. \_\_\_\_\_

---

---

---

---

---

---

---

---

---

Қабул қилдим: \_\_\_\_\_ гуруҳ талабаси \_\_\_\_\_

Раҳбар: \_\_\_\_\_

(ўқитувчининг илмий даражаси ва ф.и.ш.)

(имзо)

Муддати « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил.